



## IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المراكز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

[www.maturidiyjournal.uz](http://www.maturidiyjournal.uz)

+998971 244-35-36  
 @moturidiyuz

[www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)  
[info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



# MOTURIDIYLIK

الماطريدييـة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqldir.



2/2023

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



2/2023

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Нуридин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Махмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

**Назир Мухаммад АЙЁД** (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

**Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июнъдаги 03-07/4601-сонли хуносаси асосида тайёрланди.



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

**Жамолиддин Каримов,**

*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Масъул муҳаррир:

**Зафар Фахриддинов,**

*Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Саҳифаловчи:

**Зарифжон Арслонов**

Дизайнер:

**Зарифжон Ғуломов**

“Мотуридийлик” журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан №1139 раками билан рўйхатга олинган.

**Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

**E-mail:** maturidijournal.uz

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,

(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

#### Ibrohim Usmonov.

Шариат ва тасаввуф: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика) ..... 4

#### Zafar Fakhreddinov.

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари ..... 13

#### Numonjon Turayev.

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби ..... 20

#### Doston Mustafayev.

“Хошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршунослиқдаги аҳамияти ..... 28

### ДИНШУНОСЛИК

#### Komiljon Shermukhammedov.

Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар: қиёсий таҳлил ..... 36

#### Shukrullo Jurayev.

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши ..... 46

#### Dilfuza Zakirova.

Динлардаги таъқиқ тушунчасига доир қарашлар таҳлили ..... 55

#### Elyorjon Saminov.

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич ..... 63

### ИСЛОМ ТАРИХИ

#### Muzaffarkhon Joniyev.

Совет даврида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар) ..... 70

#### Oybek Sotvoldiyev.

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи ..... 80

#### Sayqal Ahmedov.

Мовароуннаҳр мўғуллар хукмронлиги даврида ..... 87

### ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

#### Doniyor Muratov.

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф Ал-Осор” асари ..... 94

#### Mas'udkhon Ismoilov.

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирмә” рисоласининг исломдаги фирмаларни ўрганишдаги аҳамияти ..... 104

#### Zokhidjon Abdullayev.

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари ..... 112

#### Saidmuhammadkhon Muhibullayev.

Камолиддин Баёзий Таржимаи ҳоли ва яшаган давридаги илмий, ижтимоий ва сиёсий муҳит ..... 122

#### Maftuna Muminova.

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g‘oyalarining manbaviy va milliy asoslari ..... 130

#### Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufassal fi san’at al-e’rob” asaridagi she’riy parchalar tasnifi ..... 137

**Doniyor M. MURATOV,**  
*International Islamic Academy Of Uzbekistan,  
Candidate of Historical Sciences, Assistant professor  
of the department "The Islamic Studies and studies of  
Islamic Civilization ICESCO.  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [doniyorhoji@mail.ru](mailto:doniyorhoji@mail.ru)*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/12

**АБДУЛЛОҲ СУБАЗМУНИ ВА УНИНГ  
“КАШФ АЛ-ОСОР” АСАРИ**

**ABDULLAH SUBAZMUNI AND HIS WORK  
“KASHF AL-ATHAR”**

**АБДУЛЛАХ СУБАЗМУНИ И ЕГО ТРУД  
“КАШФ АЛ-АСАР”**

**КИРИШ**

Ислом дини таълимотида ҳадислар муҳим ўрин эгаллаб, Ўрта Осиёга ислом дини билан бирга Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари ҳам кириб келганди. Бир неча авлод муҳаддислар фаолияти натижасида Ўрта Осиёда маънавий ҳаёт ҳадислар билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Ҳадисларнинг исломдаги мазҳаблар шаклланишидаги ўрни, ҳанафий мазҳаби олимларининг ҳадис илмидағи фаолиятлари исломшуносликда нисбатан кам ўрганилган соҳалардан хисобланади.

VIII–X асрларда ҳадис илми билан шуғулланган олимларнинг кўплиги жиҳатидан Мовароуннаҳрда шаҳарлар ўзига хос ўринга эга бўлиб, мазкур даврда ундан юзлаб муҳаддислар етишиб чиққанлар. Ҳадисларни тўплаш, уларнинг ишончлисими заифларидан ажратиб олишда бухоролик олимларнинг хизматлари катта. Айтиш жоизки, ҳадис илмида айниқса, ҳанафий мазҳаби йўналишида ҳам самарали фаолият олиб борилган. Бу каби ҳолатлар минтақамида ҳадис илмининг пайдо бўлиши, айниқса, ҳанафийликда тараққий этиш босқичлари ҳамда ўзига хос хусусиятларини илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тадқиқ этишини тақозо этади.

Бухоро қадимдан ўзининг улуғ алломаларини етишириб чиқарган жой хисобланади. Бухоро муҳаддислари, фақихлари, тасаввуф шайхлари ва бошқа соҳаларда етишиб чиқкан катта алломалари билан дунёга машҳур. Айниқса, ҳадис

илми соҳасида етук муҳаддислари билан бошқа жойлардан ажраб туради. Мана шундай уламоларидан бири III–IV/IX–X асрларда яшаб фаолият кўрсатган етук муҳаддис, фақих, ҳанафийлик тарихига улкан ҳисса кўшган олим – Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмунийдир.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

У Бухородан ярим фарсах (2772 м.) узоклидаги Субазмун қишлоғида таваллуд топган. Унинг тўлиқ исми – Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис ибн Халил Устоз Имом Ҳофиз Фақих Субазмуний Ҳорисий Калобозийдир. Нажмиддин Умар Насафий (ваф. 537/1142) ўзининг “ал-Қанд фи зикри уламо Самарқанд” асарида уни 258/872 йили раби ал-охир (февраль) ойининг чоршанба куни таваллуд топган, деб ёзган (Нажмиддин Насафий., нашр йили кўрсатилмаган:195).

Субазмуний нисбаси алломанинг туғилган жойига биноан ишлатилган. “Субазмун” номи манбаларда турлича учрайди, Ёқут Ҳамавийнинг (ваф. 626/1229) “Мужам ал-булдон” ва Ибн Қутлубогонинг “Тож ат-тарожим” асарларида “Субазйун”, Зириклий “ал-Алом” асарида Сабазмун деб келтирсан (Ёқут Ҳамавий., 1984:183).

Тарихчи ва муҳаддис Абдулкарим Самъонийнинг (ваф. 1167) “ал-Ансоб” асарида Субазмун ёки Сабазмун экани айтиб ўтилган (Абдулкарим ас-Самъоний, 1998:29). Бундан ташқари, “Мозороти Бухоро” асарида ҳам жой номи “Субазмун” шаклида келтирсан (Аҳмад ибн Маҳмуд., қўллэзма 1258:20). Бу қишлоқнинг номи XIV ва XVI аср вақф ҳужжатларида Сапидмун ва “Сафидмун” деб ҳам аталган (Камалиддинов Ш., 74–76). Субазмун XX аср бошларида Бухоронинг Қарши дарвозасидан 3,5 км узоқликда жойлашган (Камалиддинов Ш., 1998:77). О.А.Сухареванинг “Квартальная община позднефеодального города Бухары” номли китобида “Арабон” (араблар) номли маҳалланинг иккинчи номини Сафедмўй қилиб берилган ва Сафедмўйнинг эски, деярли унутилаёзган номи “Арабон” бўлган дейилади. Ҳабарларга кўра, авлиё Абдулла Сафедмўй Бухоро четидаги Сафедмўй қишлоғида кўмилган, шаҳарда эса, унинг қадамжои бўлган. Арабонда хонақо услубидаги масjid бўлиб, суфийлар унда зикр тушганлар ҳамда қадамжой хисобланган. Ҳозиргача сақланган мазкур масжидни 1907–08

**Аннотация.** Уибу мақола мовароуннаҳрик машҳур олим, муҳаддис ва фақиҳ Абдуллоҳ Субазмунийнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишдан иборат. Олимнинг ҳаёт ўйли ҳақида маълумотлар жууда оз. Манбаларда унинг фақиҳ олим бўлгани, сомонийлар даврида фаолият олиб борган ва дарс берган ҳақида ёзилган бўлсада, улар бир-бирини тақрорлайди.

Бухорода фаолият олиб борган Абдуллоҳ Субазмуний ҳанафий фақиҳи бўлган. У зот Бухорода Абу Ҳафс Кабир оиласига шогирд ҳисобланниб, ўша ерда фикҳдан дарс берган ҳамда манбаларда фатволар чиқаргани айтилади.

Абдуллоҳ Субазмуний муҳаддис бўлгани сабабидан Ҳижоз, Ироқ, Хурросон юртларига сафар қилиб ўз илмини ошириб қайтган. Сафарлари давомида борган жойларида китта олимлардан дарс олган. Шу билан бирга шогирдлар ҳам орттиргани. Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривожисида Абдуллоҳ Субазмунийнинг ўрни китта. Чунки манбаларда унинг кўплаб фақиҳ олимлар устозлари қаторида туриши кўрсатиб ўтилган. Натижасида муҳаддисликнинг шартларидан бирни “ҳадис талабида сафар қилиши” қоидасини ҳам бајсарган.

Манбаларда унинг бир неча асари бор, дейилган бўлсада, олимнинг икки асари аниқланди: “Кашф ал-асор фи маноқиб Аби Ҳанифа” ва “Муснад Аби Ҳанифа”. “Кашф ал-асор” асарида ҳадислар, маноқиблар, фатволар, биографиялар ва бошқа ривоятларнинг адади ҳақида тўхтаб ўтилган. Мақолада “Кашф ал-асор” асарининг Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзма нусхаси ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Шунингдек, Мовароуннаҳрдан чиққан баъзи муҳаддис-ровийлар ҳақида ҳам маълумотлар келган.

**Калим сўзлар:** Кашф ал-асор, ҳадис, фикҳ, муҳаддис, фақиҳ, ансаб, ҳадисшунослик, иснод, ровий.

**Abstract.** This article is a study of the life and scientific heritage of the famous scientist, muhaddis and jurist Abdullah Subazmuni from Mavarounnahr. There is very little information about the scientist's life path. Although it is written in the sources that he was a scholar of jurisprudence, that he worked and taught during the Samonite period, they repeat each other.

Abdullah Subazmuni, who worked in Bukhara, was a Hanafi jurist. He was considered a disciple of Abu Hafس Kabir's family in Bukhara, taught fiqh there, and it is mentioned in the sources that he issued fatwas.

Abdullah Subazmuni, being a muhaddith, traveled to Hijaz, Iraq, Khorasan and returned to improve his knowledge. During his travels, he learned from great scientists in the places he visited. At the same time, he also gained disciples. Abdullah Subazmuni had a great place in the development of jurisprudence in Mavarounnahr. Because the sources indicate that he was among the teachers of many jurisprudents. As a result, one of the conditions of Muhaddithism was fulfilling the rule of "traveling according to the requirement of hadith".

Although it is said in the sources that he has several works, two works of the scientist were identified: “Kashf al-asor fi manoqib Abi Hanifa” and “Musnad Abi Hanifa”. In the work “Kashf al-asor” the number of hadiths, manoqibs, fatwas, biographies and other narrations is discussed. The article also provides information about the manuscript copy of “Kashf al-asor” kept at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan. There is also information about some muhaddith narrators from Mavarounnahr.

**Keywords:** Kashf al-asar, hadith, fiqh, muhaddith, faqih, ansab, hadith studies, isnad, ravi.

**Аннотация.** Данная статья представляет собой исследование жизни и научного наследия известного ученого, муҳаддиса и правоведа Абдуллаха Субазмуни из Мавераннахра. О жизненном пути ученого очень мало сведений. В источниках написано, что он был ученым-правоведом, работал и преподавал в период Саманидов.

Абдуллах Субазмуни, работавший в Бухаре, был ханафитским правоведом. Он считался учеником семьи Абу Ҳафс Кабира в Бухаре, преподавал там фикҳ, в источниках упоминается, что он издавал фетвы.

Абдуллах Субазмуни, будучи муҳаддисом, побывал в Хиджазе, Ираке, Хорасане для совершенствования своих знаний. Во время своих путешествий он учился у великих ученых в тех местах, где побывал. В то же время он также приобретал там и своих учеников. Абдуллах Субазмуни сыграл большую роль в развитии юриспруденции в Мавераннахре. Источники указывают, что он был в числе учителей многих правоведов. Надо отметить, что одним из условий хадисоведения стало выполнение правила “путешествовать по требованию хадиса”.

В источниках говорится, что перву ученого принадлежат несколько трудов, были также выявлены два труда ученого: “Кашф аль-асар фи манакиб Аби Ҳанифа” и “Муснад Абу Ҳанифа”. В работе “Кашф аль-асар” обсуждается ряд хадисов, манакибов, фетв, жизнеописаний и других повествований. В статье также приводятся сведения о рукописном экземпляре “Кашф ал-асар”, хранящемся в Институте востоковедения Академии наук Узбекистана. Есть также сведения о некоторых передатчиках муҳаддисов из Мавераннахра.

**Ключевые слова:** Кашф ал-асар, ҳадис, фикҳ, муҳаддис, фақиҳ, ансаб, ҳадисоведение, иснад, рави.

йили Исматуллоҳ бек деган шахс қурдирган (Йўлдошев Н., Қурбопов Ҳ., 2001:10).

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, манбаларда олим “Хорисий” номи билан зикр қилиб ўтилганидан унинг Ҳорис авлодидан экани маълум бўлади. Баъзи араб манбаларида ҳам “Хорисий” номи билан танилган.

Субазмун ҳозирда Бухоро шаҳри 5-кичик томони яқинидаги Сафедмўйи қишлоғи.

Бу қишлоғининг номи XIV ва XVI аср вакф ҳужжатларида “Сапидмун” ва “Сафидмун” дейилган (Камалиддинов Ш.С., 1998:74–76). Тадқикот жараёнида фойдаланилган “ал-Ансоб” асарида қишлоқ номи “Субазмун” (ёки ас-Сабазмун - бу ўқилиши алоҳида кўрсатиб ўтилган) шаклида аниқ ёзиб қўйганлиги учун шу асос қилиб олинди (Абдулкарим ас-Самъоний., 1998:236). Калобоз эса, Бухоро шаҳри юқори қисмидаги катта даҳа (Камалиддинов Ш.С., 1993:61) бўлиб, факих шу ерда яшаб ижод қилганини учун шунга нисбат қилиб берилган.

Ўша даврда ҳадисларни отадан-болага, авлоддан-авлодга узатиб ривоят қилиш анъанага айланган. Бунда ҳадис уламолари бошланғич билимни устоз сифатида ўз оталари ёки боболаридан олар эдилар. Абу Муҳаммад Субазмунийнинг асарида отаси ва амакиси, ривоятлар иснодида, жуда кўп учраганлиги унинг ҳадис билимдонлари оиласида ўсиб улғайганлигига далолат қиласи.

У Абу Ҳафс Кабир оиласи шогирдларидан ва фақиҳларидан бўлган. Абдуллоҳ Субазмуний ҳанафий фақиҳи, муҳаддиси, шу билан биргаликда тиљшунос бўлган. У И smoil ибн Аҳмад Самъонийнинг “Дор ас-султон” саройида факих бўлган ва саройдаги турли масалалар бўйича хукм чиқарган (Абд ал-Карим ас-Самъоний., 1998:236). Кўпгина ҳадис биладиган катта шайх бўлган. У “Устоз” лақаби билан танилган. Сарой аҳли бу кишидан кўп маслаҳат олар эдилар. Олган маслаҳатларида бирор марта хато учрамаганлиги учун “Устоз” лақабини берганлар ва факих шу билан танилган.

Субазмунийнинг асарида отаси Муҳаммад ибн Яъқубдан ва амакиси Жибрил ибн Яъқубдан ҳам ривоятлар келтирган. Лекин отаси ва амакиси ҳакида ўзининг асридан бошқа манбаларда бирорта ҳам маълумот учрамайди.

Субазмунийнинг “Кашф ал-осор” асарида отаси ва амакисидан ривоятлар келтирани уларнинг ҳам ҳадис билимдонларидан бири, шу билан бирга ҳанафий мазҳаби намоёндаси, айни вақтда, Абдуллоҳ Субазмунийнинг биринчи

устозлари ҳам бўлишган дейишга асос бўлади. Субазмуний ҳадис билимдонлари оиласида ўсган ва шу мухитда ўсанлиги учун ҳадис соҳасида етук салоҳиятга етган инсон ўрнида кўринади. Абдуллоҳ Субазмунийнинг Абу Ҳанифагача бўлган устозларини қуидагида кўриш мумкин: Субазмуний – Яъкуб – Абу Ҳафс Сагир – Абу Ҳафс Кабир – Муҳаммад Шайбоний – Абу Ҳанифа.

Факиҳ Абдуллоҳ Субазмунийнинг таржимиҳоли ёзилган кўплаб китоблардаги у ҳақда келтирилган маълумотларнинг деярли барчаси ўхшаш. Шундай бўлсада, маълумотлар жуда кам. Манбаларда ихтилоғли маълумотлар йўқ бўлиб, фақат Нажмиддин Умар Насафийнинг “ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд” (Самарқанд олимлари ҳакида қантдек ширин китоб) китобида фақиҳнинг номи Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Яъкуб ибн Ҳорис (Нажмиддин Умар ан-Насафий, нашр йили кўрсатилмаган:195) бўлиб келган. Бу ўринда унинг отасининг исми Муҳаммад тушиб қолган ва бувасининг ўғлига айланиб қолган. Қизиқ томони шундаки, факиҳ ҳакида сўз юритилгандан сўнг, муаллиф орқали етиб келган иснодни баён қилиб, бунда Абдуллоҳ ибн Муҳаммад деб келтирган. Бошқа асарларда Абдуллоҳ ибн Яъкуб тарзида учрамаганлиги учун уни хато деб ҳисоблаш мумкин. Балки “ал-Қанд” асарининг нашрида хатоларнинг қўплиги бунга сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Кейинги давр олимлари бу киши борасида турли фикр билдирганлар. Абу Абдуллоҳ Ҳоким Найсабурӣ: “Ишончли кишилар у киши ҳакида сукут сақлашган ва ажойиботларга эга эди” (Шамсуддин Заҳабий., 1996:87) деган. Хатиб Бағдодий: “Унга эҳтиёж сезилмайди” (Хатиб Бағдодий), деган. Ҳамза Саҳмий Абу Зуръа Аҳмад ибн Ҳусайндан Субазмуний ҳакида сўраганида: “зайф”, деган.

Лекин нима бўлган тақдирда ҳам у етук олим, салоҳиятга эга киши бўлган. Муҳаддис Валийуллоҳ Дехлавий “ал-Интибоҳ мин асҳоб ал-вужух” рисоласида «Шамсулаимма Ҳалвоний олдинги олимлардан бўлиб, таржих (хукмларни ҳеч кимга таянмасдан чиқарувчи киши) аҳли эди, шунингдек, Абу Али Насафий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмунийларнинг барчалари “асҳоб ал-вужух” (эътиборли кишилар) бўлиб, ҳанафий фақиҳлари доимо уларга таяниб иш кўрадилар» (Абдулҳай Лакнавий., 1998:178) деган. Бу баъзи бошқа мазҳабдаги кишиларнинг факиҳ илмига берган

баҳосини ва “унга таяниб бўлмайди” деган фикрларини рад этади. Агар олимнинг илм дараҷаси паст бўлганда эди, у шундай мартабали ҳанафий мазҳабида ёзилган илк ҳадис китобини ёзиб қолдирмаган бўлар эди.

Абдуллоҳ Субазмуний 340/952 иили шаввол ойининг 5-жума (4-март) кунида вафот этган. Унинг туғилган ва вафот этган йиллари хусусида ихтилофлар йўқ. Унинг қабри ўзи туғилиб ўсган Субазмун қишлоғида жойлашган (Абдулҳай Лакнавий., 1998:291).

Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий “Тарихи Муллозода (Бухоро мозоролари)” асарида олимнинг мозори ҳақида маълумот беради. Жумладан, “Субадмундаги қабрлар тўғрисида“ деган бобида “Шунингдек, улуғ шайх ва машхур имом Абу Мухаммад Абдуллоҳ ибн Мухаммад ибн Яъкуб ибн Ҳорис Субадмуний қаддасаллоҳу таоло руҳаҳунинг покиза қабри ҳам ўша ердадир” (Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий., 2019:92), дейилган. Шу билан бирга бу фикрни муҳаддис, тарихчи, ҳанафий факиҳи Абдулҳай Лакнавий (ваф. 1304/1887) “ал-Фавоид ал-баҳий” асарида ҳам тасдиқлайди, жумладан, Муҳаммад ибн Абдусаттор Шамсулаимма Кардари (ваф. 642/1245) ҳақида сўз юритиб, “...Субазмунда, Устоз Абдуллоҳ Субазуний қабри ёнига дағн қилинган” (Абдулҳай Лакнавий, 1998:291), деган. Бироқ ҳозирда бу қабристон фаолиятини тўхтатгани ва Субазмуний қабри борасида маълумот йўқлиги учун олимнинг қабрини аниқ билишининг имкони йўқ.

Шуни афсус билан айтиш лозимки, Абдуллоҳ Субазмунийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар жуда оз. У ҳақидаги маълумотлар табақот жанридаги асарларнинг барчасида деярли бир-бир ярим саҳифадан ошмайди ҳамда уларнинг барчаси бир маълумотни такрорлайди.

Олим ўз даврининг одатларидан келиб чиқиб, илм йўлида кўп жойларга илмий сафарлар қилган. Буни унинг асаридан билиб олиш мумкин. “Кашф ал-осор” асарини ўрганиш жараённида, Субазмунийнинг Маккадан тортиб Ироқ, Эрон, Хурсон юртлари вилоятларида, айниқса, Марказий Осиёнинг катта илм марказларида бўлганини, ўнлаб шаҳарлар ва қишлоқларга борганигини ҳамда у жойларда имом Абу Ҳанифадан турли ривоятларни келтиргани кўринади. Олим Насаф, Термиз, Журжон, Самарқанд, бошқа шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, ўша ердаги ҳадис ровийларидан ҳадислар эшитган ва ўз асарига

ишончли бўлганларини жамлаган. Олимнинг ўзи бухоролик бўлгани учун ўша ер олимларидан кўпроқ ривоятлар келтиради. Кейинги ўринда термизлик ровийларнинг ривоятлари кўп қисмни ташкил этади. Субазмуний Мовароуннаҳр шаҳарларидан Термизда кўп яшаб қолгани ёки ўша ерлик олимлар билан кўпроқ алоқада бўлганини билиш мумкин. Бундан ташқари Бухорода термизлик олимлар бошқаларга караганда кўпроқ фаолият олиб борган деган хulosани ҳам қилиш мумкин. Шунингдек, Имом Термизий фаолияти натижасида ўша жойда ҳадис илми ривожланган дейиш ҳам мумкин, бундан Имом Субазмуний фойдаланган.

Абдуллоҳ Субазмунийнинг отаси ва амакиси биринчи устозлари эди десак хато бўлмаса керак. Отаси эса Абу Ҳафс ал-Кабирнинг шогирди бўлган (Субазмуний, қўлёзма 1а).

### МУҲОКАМА

“Шазарот аз-заҳаб” асарида Абдуллоҳ Субазмунийнинг бир неча асарлар ёзгани ҳақида маълумот берилган бўлсада, ҳозиргача факат икки асари ҳақида маълумот бор. Унинг биринчи асари “Муснад” бўлиб, иккинчиси “Кашф ал-осор фи маноқиб Абу Ҳанифа” (Абу Ҳанифа асарининг кашф қилиниши) асаридир. Олимлар орасида “Кашф ал-осор фи маноқиб Абу Ҳанифа”ни қисқартириб “Кашф ал-осор” дейиш одат бўлган. Чунончи, “Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа”да Муҳаммад ибн Бишр ривоятида «У Абу Ҳанифа орқали кўп ривоят келтирган бўлиб, уларнинг аксарияти ғаридир ва уларнинг кўпини “Муснад” китобида келтириб ўтдик» (Субазмуний., қўлёзма 85а, 60а, 8b). У ривоят қилган ҳадислар кўп бўлиб уларни “Муснад” китобида зикр килдик» дейилганидан “Муснад” “Кашф ал-осор”дан олдин ёзилган деган хulosasi келиб чиқади.

Бу асарда тўрт мингдан зиёд ривоятлар бўлиб уларнинг аксариятини ҳадислар ташкил қиласи. Бундан ташқари асарда Абу Ҳанифанинг маноқиби ва фатволари ҳамда саҳобийларнинг сўзлари, тобийларнинг фатволари ва Абу Ҳанифанинг Муҳаммад Шайбоний, Абу Юсуф каби шогирдларининг ҳам фатво ва маноқиблари учрайди.

Жумладан, “Кашф ал-осор”да келган 3922 ривоятдан 1634 таси ҳадис, 1199 таси маноқиб, 1006 таси фатволар ҳамда 83 таси матни

бўлмаган иснодлардан иборатдир. Ҳадисларнинг марфу, мавқуф ва мақтулари бўлиб, улар турли мавзулардадир.

1199 та маноқибдан кўпи имом Абу Ҳанифага оид. Шунингдек, кейинги ўринда Мұхаммад Шайбонийнинг маноқиби кўп. Чунки Субазмуний Абу Ҳафс оиласига шогирд бўлганини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Зоро, Абу Ҳафс Кабир Бухорий Мұхаммад Шайбонийнинг шогирди хисобланади. Бундан ташқари асарда Абу Юсуф ва бошқаларнинг маноқиблари учрайди.

Китобдаги фатволар орасида адад жиҳатидан имом Абу Ҳанифанинг қараашлари кўп. Бирок Иброҳим Нахаййнинг фатволари бошқаларнинг фатволарига қараганда кўпни ташкил этади. Зоро, ҳанафий мазҳаби шаклланишида Иброҳим Нахайй фаолияти асосий рол йўнаганини кўриш мумкин.

Бу асар ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида №3105 рақами остида сақланаётган энг қадимги кўлёзмаларидан бири хисобланади ва ягона нусха бўлиб қолмоқда.

Бу асар катта шайх Музаффар Фахруддин ибн Мұхбируддин томонидан имло қилиб (айтиб) турилганда бир йил давомида ожиз банда Маҳмуд ибн Мұхаммад ибн Мұхаммад томонидан ёзилиб, 649/1252 йили рамазоннинг 4-пайшанба куни мусанниф Абдуллоҳ Субазмунийнинг қабри бошида ёзишдан фориғ бўлинди, дейди асарнинг сўнгги сахифасида муаллиф (котиб) (Субазмуний., кўлёзма, 334a). Асар ҳанафий оламининг барча минтақаларида машхур бўлган ва буни “асарни айтиб турганида ундан тўрт юз котиб ёзиб олган” (Хайруддин Зириклий), дейилганлигидан билиб олиш мумкин.

Демак, бу китоб айтиб турилганда ёзиб олинган. Шунинг учун у амолий китоблар турига киради. Амолий китоб имло қилиш асосида яратилади, яъни устоз ўзида бор илм билан бирор нарсани айтади ва атрофдаги шогирдлар уни ёзиб оладилар (Муборакфурӣ., муқаддима). Бу ҳолатда эса, олим китобни ўқиб турган котиб эса ўзи учун ёзиб олган. Амолий тўпламлари ҳадис китоблари орасида энг кўп тарқалган китоб турларидандир.

Асар айтиб турилган ҳолда ёзилганлиги боис ҳам унда хатолар кўп учраши табиий бўлиб, бундай ҳолат кўплаб қўлёзмаларда кузатилади. Масалан, бўғин кўчиришларга эътибор берилса, 16-варақда “الْأَجْلُ” сўзининг “الْأَ” қисми бир

қаторда бўлса, кейинги қаторга эса “جَلٌ” қисми ёзилган, 426 бетда “الْتَّوْمِذِي” сўзида “الْأَ” аввалги қаторда “مَذِي” кейинги қаторда ёзилган. Бу каби ҳолатлар кўп бўлмаса-да, асар билан танишиш давомида кўзга ташланади. Шунингдек, кўлёзмада баъзи жумла ва сўзлар матндан тушиб қолган бўлиб, кейинчалик ёки ёзиш жараёнда ҳошияга қўшиб қўйилган, масалан, бир ривоят иснодининг Абу Ҳанифагача бўлган қисми матнда келиб, Абу Ҳанифадан бошлаб ҳадиснинг матнигача ва кейинги исноднинг Абу Ҳанифагача бўлган қисми ҳошияда ёзилган (Субазмуний., кўлёзма 45b). Шунингдек матнда хато ёзилган ёки сиёҳ суркалиб кетган бўлса, ҳошияда тузатилиб ёзилган, масалан, “Аҳмад ибн Исҳоқ ибн...”, матнда равон аниқ ҳолда ёзилмаган, ҳошияда эса тузатилиб кетилган (Субазмуний., кўлёзма 205b). ёки хато жойнинг устидан бир чизиқ чизилиб уни ўчирилгани маълум қилинган (Субазмуний., кўлёзма 252a). Бундан ташқари, ҳошияларда баъзи ўринларга қўшимча тўлдиришлар киритилгани ҳам учрайди, масалан, Бухоро ровийларидан бўлган Мұхаммад ибн Атийанинг шахси ҳақида ҳошияда керакли маълумот бериб ўтилган (Субазмуний., кўлёзма 249b). Шу билан бирга, кўлёзма XIII асрга мансуб бўлгани учун ўрта асрларда одат бўлган ҳолат, яъни баъзи ҳарфларнинг нукталари қўйилмаган ёки нукталар ҳарфларнинг остига қўйилган. Масалан, “السَّرَاج” (ас-Сирож) (Субазмуний., кўлёзма 68a). сўзидағи “син” ҳарфининг остига учта нукта қўйилган (бу ҳолат жуда кўп учрайди) ёки حدثا сўзидағи нукталар аксар ўринларда йўқ (бу ҳолат ҳам жуда кўп учрайди) ва ҳоказо. Умуман олганда, ҳарфларнинг нукталари кўп ўринларда қўйилмаган. Булардан ташқари, китобнинг баъзи сахифалариға ҳеч нарса ёзилмай, унга ёки البياض (ок сахифа) сўзлари ёзиб қўйилган (Субазмуний., кўлёзма 235b).

“Кашф ал-осор”нинг Тошкент кўлёзмаси “Абу Фазл ибн Наср ибн Мұхаммад ибн Ҳасан Дохистоний айтади (Субазмуний., кўлёзма 1a).” деб бошланади ва қўйидагича давом этади: Абу Фазл ибн Наср ибн Мұхаммад ибн Ҳасан Дохистоний (ваф. 605/1209) мусулмонлар имоми бўлиб, Фахруддин лақаби билан танилган (Кураший, 75). Ибн Абу Вафо Курашийга кўра, Абу Фазл ибн Наср Самарқандда Абу Маъюлий Мұхаммад ибн Наср ибн Мансур Омирий Мадинийдан ривоят қилади (Кураший., 378). Омирий самарқандлик имом ва зоҳид бўлган.

Фиқҳни Абу Ҳасан (Хусайн) Али ибн Мұхаммад ибн Ҳусайн Паздавийдан ўрганған. Узоқ умр күрганидан яқинлари қазо қилиб кетген. 450/1058 ҳижрий йили туғилған ва Умар ибн Мұхаммад ибн Аҳмад Насафийнинг айтишига кўра, Самарқандда 100 ёшида 550/1155 йили вафот этган. Омирий эса Абу Ҳасан Али Ибн Мұхаммаддан ривоят қилған.

Юқоридагидан кўриниб турибдики, Субазмунийнинг шогирдлари қаторига Мұхаммад ибн Умар ҳам қўшилади. Матн давомида эса Субазмуний “Ҳар бир сўзни айтишдан олдин ва барча кўркувнинг олдида Аллоҳга ҳамд бўлсин...” деб ўз асарини бошлаган бўлиб, давомида эса тавҳидга эргашишлиқ, ёмонликлардан ва ҳалокатлардан нажот топиш, яхшиликларга интилиш, Аллоҳ таолонинг Пайғамбари (с.а.в.) га саловотлар айтиш билан давом этган. Қуръони каримдан оятлар келтирган бўлиб, бундаги оятларнинг маъно-моҳияти, ёмонликлардан қочиши ва яхшиликларга интилиш маъносидадир.

Сомонийлар даврида Бухорода ҳанафий мазҳаби ҳимоячиси сифатида майдонга чиққан Субазмуний Абу Ҳанифанинг (ваф. 150/767 й.) мухаддис эканлиги ва шунинг билан биргаликда у замонасининг етук билимдони бўлгани ҳақидаги ривоятларни китобга туширади ва “Кашф ал-осор фи маюқиби Аби Ҳанифа” асарини ёзади (Субазмуний., қўлёзма, 328).

## НАТИЖА

Умуман олганда, Субазмунийнинг “Кашф ал-осор” асаридаги ривоятлари орқали уч юз йигирма бир нафар устози зикр қилиб ўтилган.

Субазмуний Абу Касир Сайф ибн Ҳафс Зоҳид Зоминий Самарқандий (ваф. 297/909), Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Сурайж ибн Ҳужр ибн Фазл ибн Тоҳмон Шайбоний Бухорий (ваф.307/919), Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳотам ибн Ҳаммод ибн Абдураҳмон Сикижкасий Бухорий (ваф.315/927), Абу Солих Халаф ибн Омир ибн Саид Ҳамадоний Бухорий (ваф. 282/895), Абу Саид Халаф ибн Сулаймон ибн Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Дириздахий Насафий (ваф. 300/912) каби олимлардан ҳадислар ривоят қилған.

Субазмунийдан Абу Бакр Мұхаммад ибн Фазл Каморий (301/913-381/991), Абу Наср Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Али ибн Рустам ибн Жақра ибн Мофтам ибн Жанинам Калобозий Ҳофиз (ваф. 398/1008), Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Мұхаммад ибн Ҳамдан ибн Мұхаммад

ибн Нуҳ Мұхаллабий Ҳатиб (ваф. 395/1005) каби мухаддис ва фақиҳлар дарс олганлар. Шогирдлари орасида Абу Бакр Мұхаммад ибн Фазл Каморий Мовароуннаҳрда фиқх илмининг кенг ёйлишга катта ҳисса қўшган.

Асарни ўрганиш давомида шунга амин бўлинадики, Субазмуний Абу Ҳанифадан ривоят қилған ровийларнинг сони бошқа мазҳаб эгаларидан ривоят қилған ровийлардан кўпроқ эканини кўрсатишига ҳаракат қилған. Ровийлар қанча кўп бўлса, ҳадис ва бошқа ривоятлар ҳам кўп бўлади. Дарҳақиқат, Субазмуний Абу Ҳанифа гўё заиф ҳадислар ривоят қилған ёки бўлмаса, жуда кам саҳиҳ ҳадис билған, дгеувчи даъволарнинг ўринсизлигини кўрсатиб беришга уринган.

“Кашф ал-осор” китобининг ютуқ томонларидан бири шуки бошқа мазҳаб олимлари бўлмиш имом Молик ибн Анас, имом Шофеий ва имом Аҳмад ибн Ҳанбаллар иштирок этган ҳадис иснодлари ҳам учрайди. Айниқса, имом Шофеий иснодда иштирок этган ҳадис ва Абу Ҳанифа ҳақидаги фикрларни кўплаб учратиш мумкин. Бу эса асарнинг қийматини янада оширади (Субазмуний, қўлёзма, 119а).

Мазкур асарда ҳадислар, шунингдек Абу Ҳанифа ва унга яқин бўлган кишиларнинг ривоятлари келтирилган. Ушбу ривоятлар ровийларининг аксариятини Мовароуннаҳрдан чиққан кишилар ташкил қиласи. Бухоро, Самарқанд, Кеш, Соғониён, Хоразм, Фарғона вилоятлари, бошқа шаҳар ва қишлоқларнинг мұхаддис-ровийлари зикр этиб ўтилган мазкур асар орқали кўпгина алломаларни кашф қилиш мумкин.

Субазмуний Абу Ҳанифа шогирдларидан Бухоро ровийлари қаторида ўн уч нафар, Самарқанд ровийларидан беш, Соғониён ва Кешдан бир нафар, Термиздан икки, Хоразмдан етти ровийнинг ривоятларини келтирган. Бу ровийлар орасида Абу Муқотил Самарқандий, қози Абдулазиз ибн Холид Термизий, Абу Али Хоразмий ва бошқаларни айтиш мумкин. Шунингдек, Абдуллоҳ Субазмунийнинг отаси (Субазмуний., қўлёзма ба) ва амакиси (Субазмуний, қўлёзма, 7а) ҳам ровийлардан ҳисобланадилар.

Булардан ташқари, асарда бошқа юртдошларимизнинг ҳам номлари зикр қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти Абу Ҳанифанинг бевосита эмас, балки билвосита шогирдлари ҳисобланади.

Асарда юртдошларимизнинг умумий сони шаҳарлар бўйича ҳисоблаганда бухорийлар сони

олтмишдан, термизийлар йигирмадан ошади, хоразмийлар – ўндан, самарқандийлар - ўн бешдан ошса, ўнтача насафийлар, шунингдек доримиийлар, бойкандинийлар, шошийлар, фарғонийлар, пазда-вийлар ва сағонийлар ҳам ровийлар қаторидан ўрин олган. Асадаги таҳминан, бир юз қирқдан зиёд ровий юртимиздан чиқкан. Улар орасида асли Мовароуннахрдан бўлиб, бошқа жойларга кетиб яшаганлари, яна бошқа жойлардан келиб, шу ерларда яшаб қолганлари бор. Масалан, Суфён Саврий Бухорога келиб маълум муддат яшаган, Шарик ибн Абдуллоҳ Бухорода туғилган ҳамда Абу Ҳузайфа Исҳоқ ибн Бишр Бухорога келиб яшаб қолади ва ҳоказо (Субазмуний., кўлёзма:246).

“Кашф ал-осор” муаллифи келтирган баъзи муҳаддис-ровийларни келтириш мумкин.

Абу Касир Сайф ибн Ҳафс Самарқандий (ваф. 297/909). Самарқандда ва Бухоронинг Шарғ деган мавзе яқинидаги Сухтан қишлоғида яшаган. Самарқанд ва Бухоро ахлидан ҳадис ривоят қилган (Нажмиддин Насафий., нашр йили кўрсатилмаган:113). Муҳаммад ибн Али Лийн Балхийнинг шогирди ҳисобланади.

Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Сурайж ибн Ҳужр ибн Фазл ибн Тоҳмон Шайбоний Бухорий (ваф. 307/919). У Абу Абдураҳмон ибн Абу Лайс Бухорий исми билан машҳур бўлган ишончли киши, тақводор ва фаҳих бўлган. Мусулмон имомларидан бўлиб, Ирок, Ҳижоз, Миср, Шом, Жазоир ва Хурросон шаҳарларига илм талабида борган. Шунингдек, машҳур муҳаддис, имом Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Доримиийдан ҳам ривоятлар келтирган. У ўзи ҳақида ҳикоя қилиб “30 йил давомида бозорга кирмадим, зиёфатларга бормадим, бироннинг омонати менда бўла туриб кечқурун ухламадим”, деган (Нажмиддин Насафий, нашр йили кўрсатилмаган:192).

Абу Имрон Мусо ибн Афлаҳ ибн Холид ибн Шарик Байфариний Бухорий (ваф. 291/904). У Каъб ибн Саид Каъбон, Абу Ҳузайфа Исҳоқ ибн Бишр Қурайший, Аҳмад ибн Ҳафс, Муҳаммад ибн Салом, Мусайяб ибн Исҳоқ, Абу Жаъфар Муснадий ва бошқалардан дарс олган. Унга эса, Абу Наср Аҳмад ибн Саҳл Бухорий, Абу Солих Ҳалаф ибн Муҳаммад ибн Исмоил Хаййом каби олимлар шогирд бўлган (Самъоний, 1998:456).

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Бухорий Бофий (ваф. 398/1007). Бағдодда яшаган,

ўз замонасининг шофеъий мазҳабида энг улуғ факиҳи бўлган, шу билан биргаликда грамматика олими ва адабиётчи бўлган (Самъоний, 1998:275).

Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Муних Нахлий Бухорий (ваф. 317/929). Отаси, Абу Ҳафс Сағир, Маҳдий ибн Ишқоб Бухорий ва бошқаларга шогирд бўлган. У Субазмунийнинг устозларидан ҳисобланади (Самъоний, 1998:363).

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Мансур ибн Сурайж Фардадий Бухорий (Фардад Самарқанд қишлоқларидан бири бўлган). Муҳаммад ибн Усмон ибн Аби Шайба, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал ва бошқа муҳаддислардан ривоятлар келтирган. Шогирдларидан Абу Наср Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Муқри, Абу Муҳаммад Муҳаммад ибн Ғолиб ал-Ахсикасий ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин (Самъоний, 1998:339). Эҳтимол, Субазмуний уни Самарқанд қишлоқларидан бирида туғилган бўлса ҳам, кейинчалик у Бухорода яшагани боис ўз асарида “Бухорий” деб бергандир.

Булардан ташқари асарда Абу Ҳафс Кабир, Абу Ҳафс Сағир Бухорий каби алломаларнинг номи келиши китобнинг қийматини янада оширади.

“Кашф ал-осор”ни тадқиқ қилиш давомида унинг ҳадис илмидаги мавқеини аниқлаш лозим. Асарда учрайдиган ҳадис илмига оид атамаларни (истилоҳ) ўрганиб унинг бошқа ҳадис китобларидан фарқи йўқ эканига гувоҳ бўлинади.

Асар “Муснад” услубидаги ҳадис тўпламларидан ҳисобланади. “Муснад” услубида ҳадис тўплаш ривоятнинг иснодидаги ровийларнинг алифбо тартибида жойлаштириб ровийнинг айтган ҳадисларини барчаси бир ерда жамланади, кейин бошқа ровийга ўтилади. Бу каби асарларни Аҳмад ибн Ҳанбал, Ибн Абу Шайба, Абу Довуд Таёлисий ва бошқа кўплаб олимлар ҳам муснад асарларини ёзганлар. Лекин Субазмунийнинг “Кашф ал-осор” асари юқоридагилардан фарқ қиласи. Бошқа олимлар асосан ровийларни алифбо тартибида келтирса, “Кашф”да аввал шаҳарнинг номи келади кейин ўша шаҳарда яшаган ровийнинг ривоятлари келади. Умуман муснад услубидаги китоблардан фойдаланиш бир оз мушкул. Бунда ҳадисни топиш учун аввал ровийсини билиш керак бўлади, кейин унинг ривоятларини аниқлаш лозим бўлади. Жомеъ ва сунан асарларида эса ҳадислар бобларга ажратилган бўлиб, ҳадисни керакли бобдан топа олиш осон.

Шунингдек, асарда ҳадиснинг тўлиқ бўлиши учун, анъанавий муҳаддислар томонидан, талаб

қилингандар барча шартлар учрайди. Энг аввало испод (ровийлар силсиласи)ниш түлиқ бўлишиши кўрсак. Масалан, асарнинг деярли барча иснодида Абу Ҳанифанинг иштироки учрайди. Лекин баъзи жойларда (иснодда) Абу Ҳанифанинг иштироки учрамайди (Субазмуний, кўлёзма, 119а). Лекин бу иснодларда Абу Юсуф ва Мухаммад каби Абу Ҳанифа шогирдлари келишининг ўзи етарли бўлса керак. Бу ҳадиснинг обрўйини туширамайди, ҳадис заифлигининг биринчи сабаби исноднинг узилиб қолиши билан бўлади (Махмуд Таххон, 1992:61).

Асардаги иснодлар асосан Абу Ҳанифа билан боғлиқ бўлгани учун Субазмунийдан Абу Ҳанифагача ва Абу Ҳанифадан Пайғамбармиз (с.а.в.)гача бўлган ровийлар сони ҳам турличадир. Субазмуний билан Абу Ҳанифа орасидаги ровийлар сони иккита, учта ва тўрттадан иборат, Абу Ҳанифа билан Пайғамбар орасидаги ровийлар сони ҳам иккита, учта ва тўрттагача учрайди. Аксарият ўринларда бу икки ҳолатда учтадан ровий учрайди. Муҳаддислар иснод ровийларининг кам бўлишини ҳадиснинг даражасини оширади деб, хисоблайдилар (Махмуд Таххон, 1992:180).

“Кашф ал-осор”даги ҳадисларни ривоят қилишдаги ишлатиладиган ўзига хос формалари ҳам бошқа ҳадис китобларидаги кабидир. Субазмуний ривоятларни турли услубда кейинги ровийга етказишда ишлатиладиган “دَعْشَا” (бизга сўзлаб берди), “أَخْبَرْنَا” (бизга хабарини берди), “أَبْلَغْنَا” (бизга етказди) каби атамаларни кўллаган. Булардан ташқари шайхдан ҳадис эшитаётган кишининг ҳолатига тааллукли бўлган “قَرَأْتُ”, “سَمِعْتُ”, “أَجَازْ لِي” каби ва бошқа услублар ишлатилган. Шунингдек, ровийлар орасини боғлаб турувчи “عَنْ” ва “أَنْ” атамалари ҳам учрайди. Бу услублар анъанавий ҳадис китобларининг барчасида мавжуд (Махмуд Таххон, 1992:181).

Юкоридагилардан ташқари асар Субазмуний давридан кейин ёзилганлиги учун унинг бошида асарни Субазмунийдан ривоят қилиб келган ровийлар иснодини кўриш мумкин (Субазмуний, кўлёзма 1а).

Субазмуний асарига саҳобийларнинг гапларини ҳам киритган. Масалан, Ибн Аббос (ра): Маст қилувчи нарсанинг ози ҳам, кўпичам ва ҳар бир ичимликдан маст бўлиш ҳаром килинди, дейди (Субазмуний, кўлёзма:212).

Субазмуний ўзасарида нафақат марфуъ, балки мақтуъ ва мунқатиъ ҳадисларни ҳам келтирган.

Шулар билан биргаликда асарда Қуръонга берилган тафсирлар, саҳобийлар орасидаги баҳслар, бошқа ҳадис асарлардан фарқли равища Абу Ҳанифадан ривоят қилган ровийлар ҳақидаги маълумотлар асарнинг қийматини оширади. Жумладан, Суфён Саврий Куфада яшашидан ташқари, Бухорода қариндошлари борлиги, мана шу қариндошларидан мерос қолганлиги, шу меросни олиб кетиш учун Бухорога келиб маълум вақт яшагани тўғрисида маълумотлар берилган (Субазмуний, кўлёзма:246). Бу каби ровийлар ҳақидаги маълумотлар асарнинг барча ровийларида учрамасада, қимматли маълумотлар олишга ёрдам беради.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмунийнинг “Кашф ал-осор” асари Ўзбекистон худудидан чиққан олимларни аниқлашда ва уларнинг янгиларини кашф қилишда асосий манбалардан бири бўллади, шунинг билан биргаликда Самъонийнинг “Ансоб” ва Насафийнинг “ал-Қанд” асарлари “Кашф”да келган ровийларнинг номларини юзага чиқаришга кўмаклашади. Чунки баъзи кишиларни аниқлашда “Кашф ал-осор” асари “Ансоб” ва “Қанд”да келтирилган ровийларнинг баъзи қирраларини очиб беради.

## ХУЛОСА

Абдуллоҳ Субазмуний муҳаддис, фақих, усулий олим, тилшунос ва тарихнавис сифатида самарали фаолият олиб борган. Шу билан бирга ўз давридаги бошқа муҳаддислар каби илмий савиаси ва фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ўз умрининг маълум қисмини сафарларда ҳам ўтказган. Унинг серкірра ижоди биринчи бор ҳар томонлама чукур ўрганилиб, айниқса олимнинг муҳаддислик ва фақиҳлик фаолиятидаги ўзига хос жиҳатлари “Кашф ал-осор” асосида кўрсатилди. У ўзидан кейин ижод қилган барча ҳанафий муҳаддисларга устоз хисобланиб Мовароуннаҳр минтақасида фаолият олиб борган олимларнинг шаклланиши ва ўсишига сезиларли таъсир кўрсатган.

Субазмуний ўрта асрларда фаолият кўрсатган аксар муҳаддислар сингари илмнинг икки соҳаси бўйича пешқадамлардан саналган: муҳаддис ва фақиҳ. Бинобарин, Абу Ҳанифа асос солган мазҳабнинг Мовароуннаҳда тарқалишида ҳам унинг қўшган хиссаси салмоқли бўлган.

Ҳадисларни саҳиҳлик даражаси нуқтаи назаридан танлаш оддий иш бўлмай, ўта мураккаб

ҳамда узоқ муддатли жараён, масъулиятли вазифа ҳисобланган. Бундай мешақатли илм натижасида ҳанафий мазҳаби муҳаддислари ижодида муҳим ўрин тутган “ал-Муснад” ва “Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа” асари юзага келди. “Муснад” асари ҳақидаги маълумотлар эса Ўзбекистон шарқшунослигига илк бора келтирилди.

“Кашф ал-осор” асарининг тузилиши бошқа ҳадис китобларидан бир мунча фарқ қиласи ва бу асарни муснад услубининг бир бўлгаги сифатида келтириш мумкин ва муҳаддисларнинг барча талабларига жавоб беради. Юртимизнинг ҳуқуқий тарихи бўйича қимматли асар ҳисобланади.

“Кашф ал-осор” асари географик, ҳудудий жойлашувига кўра маълум шаҳар ровийларига асосланиб ёзилган бўлсада, улардаги ровийларнинг сони турлича берилган, масалан бир шаҳарда бир ровий зикр қилинган бўлса, бошқа шаҳардан элликдан ортиқ ровий келтирилгани кўринади. Бу ҳолат Субазмунийнинг ўша жойларда узоқ вақт илмий сафарда бўлганини кўрсатади.

“Кашф ал-осор” Мовароуннахрда фикҳ ва ҳадис илми тарихи бўйича ҳозиргача етиб келган энг қадимги манбалардан бири ҳисобланади. Асарнинг матнида айрим жузъий камчиликлар мавжудлигини айтмаса (бу каби камчиликлар бошқа манбаларда ҳам учраб туради), уни ўрганиш асносида тарихимиз, маънавиятимиз, аждодларимизнинг тафаккуридан хабардор ва баҳраманд бўлинади.

Асарда ҳадис, фатво, ровийларнинг таржими ҳоллари ва бошқа маълумотларнинг келиши орқали ўша даврнинг маънавий муҳити, ҳадис илми тарихи, фикҳий фатволари, турли олимларнинг баҳсу мунозаралари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлинади. Асар ҳадис бўйича ёзилган бошқа мўътабар асарлардаги услубларга тўғри келади.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Нажмиддин Умар ан-Насафи. (нашр йили кўрсатилмаган). Ал-Қанд фи зикр үлама'е Самарқанд. Нашр жойи кўрсатилмаган.
2. Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-Булдон. (нашр йили кўрсатилмаган). Ж. 3. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмий.
3. Абдулкарим ас-Самъоний. (1998). Ал-Ансаб. Ж. 7. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмий.
4. Аҳмад ибн Маҳмуд. Мозороти Бухоро. Қўллэзма. Шахсий кутубхона. 1258 йил кўчирилган.
5. Йўлдошев Н., Қурбонов Ҳ. (2001). Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги зиёратгоҳлар тарихи. Бухоро: Бухоро нашриёти.
6. Камалиддинов Ш. (1993). Китаб ал-ансаб. Абу Саъда Абдулкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Тошкент.
7. Абдулкарим Самъоний. (1998). Ж. 3. Ал-Ансаб. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмий.
8. Шамсуддин Заҳабий. (1996). Сиyr аълом ан-нубало. Байрут: Дор ал-фикр.
9. Ҳатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. Т. 10.
10. Абдулҳай Лакнавий. (1998). Ал-Фавоид ал-баҳийя. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмий.
11. Сухарева О. (1976). Квартальная община позднефеодального города Бухары. Москва: Наука.
12. Муин ал-Фуқаро Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий. (2019). Тарихи муллоҳода дар зикри мозороти Бухоро / таржимон Раҳимов К. Тошкент: Фан.
13. Абдулҳай Лакнавий. (1998). Ал-Фавоид ал-баҳийя. Байрут: Дор ал-Арқам.
14. Абдуллоҳ Субазмуний. Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа. ЎзРФА. Шарқшунослик институти, №3105.
15. Ҳайруддин Зириклий. Ал-Аълом. Т. 4.
16. Муборакфурий. (нашр йили кўрсатилмаган). Тухфа ал-аҳвазий. Муқаддима. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмий.
17. Қураший. (нашр йили кўрсатилмаган). Ал-Жавоҳир ал-музийя. Ж. 1. Ал-Қоҳира: Ҳижр.
18. Нажм ад-Дин ан-Насафи. (нашр йили кўрсатилмаган). Ал-Қанд фи зикр уламо ас-Самарқанд. Саудия. Мактабат ал-кавсар.
19. Самъоний. (1998). Ансаб. Ж. 1. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмий.
20. Ас-Самъоний. (1998). Ансаб. Ж. 1. Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмий.
21. Маҳмуд Тахҳон. (1992). Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис. Тошкент: Мовароуннахр.

### REFERENCES

1. Najm ad-Dīn 'Umar an-Nasaft. (year of publication not specified). Al-Qand fi Zikr 'Ulama'e Samarqand. Publishing place not indicated.
2. Yāqūt al-Ḥamawī. (1984). Mu'jam al-Buldān. Beirut: Dar al-Kotob al-ilmiyah. Publishing year not indicated. V. 3. In another edition. Beirut: Dar Beirut. Vol. 3.; al-A'lām. Vol. 4.
3. Abd al-Karīm al-Sam'ānī. (1998). al-Ansāb. Vol. 7. Beirut: Dar al-Kotob al-ilmiyah.
4. Aḥmad ibn Maḥmūd. (1258). Mozoroti Buxoro. Manuscript. Personal library.
5. Yo'ldoshev N., Qurbonov H. (2001). Buxoro shahri va uning atrofidagi ziyoratgohlar tarixi. Buxoro: Buxoro publisher.

6. Kamaliddinov Sh. (1993). "Kitāb al-ansāb" Abu Sa'da Abdulkarima ibn Muxammada as-Sam'ani kak istochnik po istorii i istorii kulturi Sredney Azii. Tashkent.
7. Abd al-Karīm al-Sam'ānī. (1998). al-Ansāb. Beirut. V. 3.
8. Shams al-Dīn adh-Dhababī. (1996). Siyar a'lom annubalo. Beirut: Dar al-fikr. V. 12.
9. al-Khaṭīb al-Baghdādī. (Publishing year not indicated) Tārīkh Baghdađ. Val. 10.
10. Abd al-Ḥayy al-Laknawī. (1998). al-Fawāid al-bahīyya. Beirut.
11. Suxareva O. (1976). Kvartalnaya obshina pozdnefeodalnogo goroda Buxari. Moscow: Nauka.
12. Muin al-fuqaro Ahmad ibn Mahmud Buxoriy. (2019). Tarixi mullozoda dar zikri mozoroti Buxoro / translator Rahimov K. Tashkent: Fan.
13. Abd al-Ḥayy al-Laknawī. (1998). al-Fawāid al-bahīyya. Beirut: Dar al-Arqam.
14. Abd Allāh Subazmuni. Kashf al-athār fi manoqib Abū Ḫanīfah. O'zR F. Sharqshunosilik instituti, №3105.
15. Khayr al-Dīn al-Ziriklī. al-A'lām. Vol. 4.
16. Mubārakfūrī. (Publishing year not indicated). Tuḥfat al-Āḥwadħī. Introduction. Beirut.
17. al-Qurashī. (Publishing year not indicated). al-Jawāhir al-muqīyah. Cairo: Hijr, Vol. 4.
18. Najm ad-Dīn 'Umar an-Nasafī. Al-Qand fi Zikr 'Ulāma'e Samarqand. Saudi Arabia. Maktaba al-Kawthar.
19. Abd al-Karīm al-Sam'ānī. (1998). al-Ansāb. Beirut: Dar al-Kotob al-ilmiyah. Vol. 1.
20. Abd al-Karīm al-Sam'ānī. al-Ansāb. (1998). Beirut. Dar al-Kotob al-ilmiyah. Vol. 4.
21. Maḥmūd al-Ṭāḥḥān. (1992). Taysīr muṣṭalaḥ al-ḥadīth. Tashkent: Movarounnahr.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустакил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - ماتریدیت - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: Ж.Каримов

Муҳаррир: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: О.Сотволдиев

Дизайнер-саҳифаловчи: З.Ғуломов

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)  
**E-mail:** [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.